

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Тиб.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АРИКОВА МАГИНА АКМАЛОВНА

БОЛАЛАРДА ИККИЛАМЧИ ОКСАЛАТЛИ НЕФРОПАТИЯНИНГ
КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

14.00.09 – Педиатрия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати муқдарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Артикова Магина Акмаловна

Болаларда иккиламчи оксалатли нефропатиянинг

клиник-функционал характеристикаси..... 3

Артикова Магина Акмаловна

Клинико-функциональная характеристика

вторичной оксалатной нефропатии у детей..... 21

Artikova Magina Akmalovna

Clinical and functional characteristics of secondary

oxalate nephropaty in children..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019. Тиб.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АРТИКОВА МАГИНА АКМАЛОВНА

БОЛАЛАРДА ИККИЛАМЧИ ОКСАЛАТЛИ НЕФРОПАТИЯНИНГ
КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

14.00.09 – Педиатрия

ТИББИЁТ ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ



ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib557 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Шарипов Алишер Мирхамидович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий ошпонентлар: Шамансурова Эълмира Амануллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шамсиев Фазлтин Сўйфутдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги ДSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» сентябр кuni соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (632 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «07» сентябр кuni тарқатилди.
(2021 йил «07» сентябр даги 108 рақамли реестр баённомаси).



А.В.Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хантов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Д.И.Ахмедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳолининг турли катламлари орасида метаболлик патологиялар сонининг кун сайин кўпайиши, болалар орасида иккиламчи оксалатли нефропатиянинг кенг тарқалиши алоҳида ўрин эгаллаган долзарб муаммо сифатида аҳамият касб этади. Жаҳонда соҳа етакчи олимларнинг фикрига кўра «... болалик даврида нефрологик патология таркибида оксалатли нефропатия 27-64% ни ташкил қилади...»¹. АҚШда метаболлик нефропатия 100 000 та болага 65,2 ни ташкил қилиб, касаллик эрта ёшдаги болалар орасида кузатилиши, узок вақт клиник белгиларсиз кечиши, буйрак тош касаллиги, пиелонефрит, интерстициал нефрит ва сурункали буйрак касаллиги, буйрак найларига зарар етказадиган интерстициал жараёни юзага келтириши, клиник кўриниши кристалурия каби асоратлар шаклланишида аниқланиши сабабли, иккиламчи оксалатли нефропатия муҳим тиббий ва ижтимоий муаммо ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам иккиламчи оксалатли нефропатияни ташхислаш ва даволашдаги қатта тажрибаларга қарамай, касалликни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика усуллари самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда болаларда иккиламчи оксалатли нефропатиянинг эрта ташхислаш, даволашни такомиллаштириш ва профилактикасига қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, болалар орасида иккиламчи оксалатли нефропатия шаклланишида ҳавф омиллари таъсири, клиник кўриниши ва буйракнинг функционал бузилишлар хусусиятлари, касалликни эрта ташхислаш ва прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқиш, оксалат билан ортиқча юкланиши, овқатланиш ва сув ичиш тартибининг бузилиши, ичак микробиотаси ҳисобланувчи *Oxalobacter Formigenes*нинг ичакдаги оксалатларни абсорбциялаш орқали уларнинг буйракка ўтишини камайтириш чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва даволаш усуллари такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизматни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, болаларда нефрологик касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва профилактика усуллари такомиллаштириш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда «... диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари жорий этиш, юқори сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш, шу жумладан телетиббиётни жорий этиш ва ривожлантириш...»² каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада болаларда иккиламчи оксалатли нефропатиянинг клиник-функционал белгиларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактиканинг самарали усуллари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига

¹Shah A., Ramakrishnan S. Hyperoxaluria. 2020 Aug 11. In: StatPearls [Internet]. Treasure Island (FL): StatPearls Publishing; 2020 Jan-. PMID: 32644413.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни оқлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўрсатишда» Қарори

мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, хомилдорлар ва болаларга кўрсатиладиган tibбий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги, 2018 йил 12 июлдаги ПҚ-3846-сон «Аҳолига ихтисослаштирилган нефрологик ва гемодиализ tibбий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрнатилганлик даражаси. Европа педиатрик уронефрология ассоциациясининг клиник кўрсатмаларига кўра, кальций оксалатли кристалурия касаллиги 1000 нафар аҳолига 32 та ҳолатни ташкил этади (Длин В.В. 2016, Завьялова А.С. 2016), бу сийдик тизимининг доминант касалликларидан бири бўлиб, сийдик йўли инфекциясининг тарқалишидан юқори (1000 болага 18 та ҳолат). Болаликда иккиламчи гипероксалурининг кенг тарқалишидан ташқари, унинг шаклланишининг ёшга боғлиқ жиҳатлари ҳам муҳимдир. Дастлабки белгилар ҳаётнинг биринчи йилида сийдикдаги оксалат шаклида кузатилиши мумкинлиги таъкидланган (Аверьянова Н.И. 2015). Бошқа муаллифларнинг тадқиқотларига кўра, касаллик белгилари кўпинча 3-4 ёшда аниқланади (Tekgül S., Dogan H.S., Erdem E., Hoebeke P., Nijman J.M. 2018; Ward J.B., Feinstein L., Pierce C., Lim J., Abbott K.C., Bavendam T., Kirkali Z., Matlaga B.R. 2019). Шу муносабат билан, ушбу ҳолатни ривожланишига олиб келадиган хавф омиллари масаласини ўрганиш муҳим бўлиб ҳисобланади.

Хорижий адабиётларда иккиламчи гипероксалурия патогенезининг асосий бўғинларидан бири сифатида ичак микрофлорасига катта эътибор берилмоқда. Оксалат метаболизмида иштирок этувчи ичак микробiotалари (биринчи навбатда *O. formigenes*, *Lactobacillus* ва *Bifidobacterium* авлодига қирувчи бактериялари) йўтон ичакда колонизациясини ўрганиш (PeBenito A., Nazzari L., Wang C. 2019), оксалатларнинг метаболизмида ичак микрофлорасининг ўрни (Норре В. 2020, Shah A. 2020) тўғрисида билимларни чуқурлаштирган.

Ўзбекистон олимлари болалар орасида турли соматик касалликлар, буйрак касалликлари, иккиламчи нефропатияни ташхислаш ва самарали даволаш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда (Иноятова Ф.И., 2019, 2020, Д.И.Ахмедова, 2018, 2019, 2020, А.В.Алимов, 2019, 2020; Бекназаров Ж.Б., 2016); оилавий мезонлар асосида болаларда нефропатияни даволашда

тиббий хизматни ташкиллаштириш (Ишқабулов Д.И., Дильмурадова К.Р., Каримова Н.А., 2015); болаларда иккиламчи нефропатияда ренопрофилактиканинг ўрни ва ахамияти асосланган (Ахмеджанова Н.И., Дильмурадова К.Р., 2017), бироқ, болаларда иккиламчи оксалатли нефропатиянинг клиник-функционал имкониятлари тўлиқ ва батафсил ўрганилмаган.

Шуни таъкидлаш жоизки, иккиламчи гипероксалурия диагностикаси мезонларига алоҳида эътибор берилади. Сийдикда оксалат кристалларининг мавжудлиги кўпинча яқка симптомдир, асосан мононуклеар характердаги микрогематурия, микропротеинурия, абактериал лейкоцитурия ва гиперстенурия билан биргаликда патологияни аниқлашга имкон беради. Сийдик синдроми билан сийдикнинг кристаллга қарши қобилятининг пасайиши, фосфолипидурия ва сийдикнинг фосфолипаза фаоллигининг ошиши бирга келади. Касалликнинг ультратовуш белгилари бу буйрак паренхимасининг эхогенлигининг ўчоғли кучайиши ёки буйрак жоми деворларининг қалинлашиши ҳисобланади. Клиник жиҳатдан иккиламчи гипероксалурия суст намоён бўлади. Гудак ёшдаги болалар орасида касаллик кўпинча сийдик тахлили утқазилганданатижасида тасодифан аниқланади. Оксалат кристалларини аниқланиши гипероксалурия борлигини билдирмайди. Кунлик сийдик ҳажмида оксалат микдори 1 кг тана вазнига 1 мгдан ошиши доимий равишда кузатилиши гипероксалурия ҳолатини тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ №01.980006703 «Болаларда туғма ва ортирилган касалликлар диагностикаси, даволаш ва профилактикаси» (2014-2018) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда иккиламчи оксалат нефропатиясини эрта ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш, клиник-функционал хусусиятлари ва хавф омилларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

метаболик нефропатия таркибида иккиламчи оксалатли нефропатиянинг пайдо бўлиш даражасини баҳолаш;

болалар орасида иккиламчи оксалатли нефропатия шаклланишида хавф омиллари таъсирини аниқлаш;

иккиламчи оксалатли нефропатиянинг клиник кўриниши ва буйракнинг функционал бузилишлар хусусиятларини аниқлаш;

болаларда иккиламчи оксалатли нефропатияни эрта ташхислаш ва прогностлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

болаларда иккиламчи оксалатли нефропатияни микробиоталарни баҳолаш орқали ташхислаш тизими баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги тиббиёт бош бошқармасининг 1-сонли марказий маслаҳат-ташхис поликлиникасида 2017 йилдан 2020 йиллар давомида 6 ойлигилан 7 ёшгача бўлган 106 нафар гипероксалурияси бўлган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида биокимёвий текширувлар учун периферик қон, сийдик, микробиологик ва ПЗР текширувлари учун нажас материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, кальций, магний, фосфор, натрий, хлор, креатинин, мочевино, сийдик кислотаси биокимёвий, микробиологик, ПЗР, буйрак ва ковок ультратовуш текшируви ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда иккиламчи оксалатли нефропатия келиб чиқишида сунъий озиклантириш ҳамда антибактериал даволаш ичак микробиотасида лакто- ва бифидобактериялар миқдорининг камайтиришига таъсир этувчи, оксалат абсорбциясини қучайтирувчи хавф омиллари эканлиги исботланган;

болаларда иккиламчи оксалатли нефропатиянинг ошқозон-ичак трактининг ўткир гастрит, ўткир диарея, ичак диспепсияси касалликларининг оқибатида келиб чиқиши асосланган;

буйракларда оксалатли кристаллуриянинг нефропатияга ўтиши, тубулоинтерстициал зарарланиши белгиси бўлган микроальбуминурия, лейкоцитурия, гиперстеинурия ва микролитиаз меркерлари ҳисобланувчи Тамма-Хорсфалл оксидини аниқлаш орқали эрта ташхислаш усули ишлаб чиқилган;

иккиламчи нефропатияда полимер занжирли реакцияси ёрдамида лакто ва бифидобактериялар колониясининг кескин камайиб кетиши, *Oxalobacter formigenes* бактериясининг манфий натижа бериши, касалликнинг энтерал шаклига олиб келувчи гипероксалурия ҳолатларида ичак микробиотининг аҳамияти юқори эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иккиламчи оксалатли нефропатия билан оғриган беморларни ташхислаш ва юритиш алгоритми эрта ташхис қўйиш самарадорлигини ошириш ва асоратлар юзага келишининг олдини олиш тартиби асосланган;

сийдик таркибида микроальбуминни баҳолашда тубуло-интерстициал аппарат зарарланишини эрта баҳолаш тартиби очиб берилган;

oxalobacter formigenes ташхисоти учун полимер занжирли реакциясида оксалат нефропатиясининг энтерал турини баҳолаш имконияти исботланган;

болаларда энтерал турдаги оксалат нефропатиясини даволашда янги ёндашувлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ретроспектив таҳлил ва проспектив тадқиқотлар, иккиламчи оксалатли нефропатия намоён бўлишининг клиник, функционал ва биокимёвий кўрсаткичлари, дисбиоз таҳлиллари ва полимер

занжир реакциясида ичак микробиота ҳолатини баҳолаш оркали болалардаги метаболик нефропатиялар даражаси, тузилиши учун илмий асосланган натижалар, кальций оксалатли кристалдурия, иккиламчи оксалатли нефропатия ривожланиш хавф омилларини, эрта ташхислаш мезонлари, болаларда иккиламчи оксалатли нефропатия профилактикасини такомиллаштиришнинг исботланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иккиламчи оксалатли нефропатия шаклланиши хавфи юқори бўлган болаларни эрта аниқлаш, нефролитиаз, пилонефрит ва тубуло-интерстициал буйрак шикастланишининг олдини олиш, сурункали буйрак касалликлари сонини пасайтиришга таъсир қилган ҳамда ногиронликни камайтириш ва ушбу тоифадаги аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда иккиламчи оксалатли нефропатиянинг клиник-функционал тавсифини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

болаларда учрайдиган иккиламчи нефропатияни самарали ташхислаш ва даволаш алгоритмларидан фойдаланиш оркали амалга оширилган илмий натижалар асосида «Болаларда иккиламчи оксалатли нефропатиясининг даволаш ва ташхислаш алгоритмлари» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 июлдаги 8н-р/292-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома иккиламчи оксалатли нефропатияси бўлган болаларда касалликни эрта ташхислаш, даволаш самарадорлигини ошириш, беморларнинг шифохонада бўлиш вақтини қисқартириш билан биргаликда касалликнинг асоратларини камайтириш имконини берган;

болаларда иккиламчи оксалатли нефропатиянинг клиник-функционал кечиш хусусиятларига асосланган ҳолда ташхислаш ва даволаш тартибини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон вилоят болалар шифохонаси, Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли марказининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 04 мартдаги 8н-з/43-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижалари клиник амалиётга жорий қилиниши оркали иккиламчи оксалатли нефропатияси билан касалланган болаларда сийдик айириш тизими зарарланиши ноҳуш оқибатларини эрта баҳолаш, тубулоинтерстициал нефрит, сийдик чиқариш тизими инфекцияси, уро- ва нефролитиаз, буйракнинг сурункали касалликлари каби асоратлар сонининг ҳамда касаллик оқибатлари билан боғлиқ ногиронлик даражасини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро илмий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 1 та республика, 3 та хорижий, 1 та Scopus журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Болалардаги иккиламчи оксалатли нефропатия ҳақида замонавий тасаввурлар**» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммо бўйича масаланинг ҳолати ҳақидаги долзарб ҳолатларни таҳлил қиладиган адабиётлар шарҳи берилган. Метаболик нефропатияларни эрта ташхислашнинг устувор йўналишлари, уларнинг намоеъ бўлиш частотаси ва кечиши, прогнози ва олдини олиш масалалари баён этилган. Калций оксалатли кристаллурия (КОК) ва иккиламчи оксалатли нефропатия (ИОН) ривожланишини белгилайдиган экзоген ва эндоген характердаги хавф омиллари, шунингдек ИОНнинг клиник вариантларини аниқлаш муаммолари ва шунга мос равишда уларнинг ривожланишининг асосий сабабларини белгилайдиган тахлилий маълумотлар келтирилган. ИОНнинг энтерал вариантини ва КОК ва шунга мос нефропатияни дифференциациясига фундаментал ёндашувларни ишлаб чиқишда ичак микробиотасининг роли тўғрисида ҳозирги тушунчани таҳлил қилиш таклиф этилган, бу эса ушбу тадқиқот зарурлигини белгилайди ҳамда келажақда масала юзасидан кенг тадқиқотлар ўтказилишини талаб қилади.

Диссертациянинг «**Болаларда иккиламчи оксалатли нефропатиянинг клиник-функционал кўрсаткичларни баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи боби турли хил кристаллурия билан касалланган 281 нафар болани амбулатория ҳолатидаги ёзувларини ретроспектив таҳлил қилиш ва гипероксалурия билан касалланган 106 нафар болани, шу жумладан, ИОНли (асосий гуруҳ) 76 нафар беморни ва КОКли (назорат гуруҳи) 30 нафар болани преспектив ўрганиш асосида тадқиқотни лойиҳалаштиришни ўз ичига олган. Иш ТошПТИ Шошилиш педиатрия ва ҳалокатлар тиббиёти кафедрасида олиб борилган ва клиник тадқиқотлар ЎзРПА ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармаси, педиатрия бўлими, ҳамда Республика Ихтисослаштирилган уронефрология марказида олиб борилган. Ўрганилган барча беморларда буйрак функциясини комплекс клиник ва функционал текширувлари ўтказилган, махсус тадқиқот усуллари суткалик оксалат экскрециясини перманганатометрияли титрометрик усули ёрдамида аниқланган, Шварц формуласи бўйича коптокчалар филтрация тезлиги (КФТ) ҳисобланган, сийдик чўкмасини окимли цитометриyasi, шунингдек, буйракларнинг тузилиш ҳолатини ультратовуш диагностикаси орқали Б-

режимда баҳоланган ҳамда микроалбуминурия турбидиметрия усули билан аниқланган (микроалбуминурия эрталабки сийдикда албумин миқдори 0-30 мг/дл бўлганда аниқланган).

ИОН билан касалланган 20 нафар болада гипероксалурия энтерал омилнинг ҳолатини аниқлашда дисбиоз даражасини баҳолаш учун Москва эпидемиология ва микробиология илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган нажасни бактериологик текшириш усули ёрдамида ичак микробиотаси ҳолати ўрганилган. Бундан ташқари, ушбу болалар гуруҳида нажасда *Oxalobacter formigenes* колонияларини аниқлаш учун ҚТ-ПЗР диагностик текшируви ўтказилган. Текшириш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида ташкил қилинган, Илғор технологиялар марказида ўтказилган. Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш Microsoft Excel Windows 2016 автоматлаштирилган дастурида ва STATISTICA 8 ҳамда Statistics 17.0 SPSS статистик таҳлил дастурий пакетларида амалга оширилган.

Диссертациянинг «Болаларда метаболик нефропатия таркибида искиламчи оксалат нефропатияси пайдо бўлишнинг даражаси ва унинг пайдо бўлишда хавф омилларининг таъсирини баҳолаш» деб номланган учинчи бобида 281 нафар болада оксалат нефропатиясининг даражасини аниқлаш мақсадида кристаллурия характериға оид тадқиқот натижалари келтирилган. Таҳлил натижаси шуни кўрсатдики (1-расмға қаранг), КОК ҳолати кўпроқ аниқланган (68,7% ҳолларда). Бизнинг тадқиқотимиздаги уратурия частотаси 19,6% ни ташкил этган, фосфатурия жуда кам - 7,3% ҳолларда ва ундан камроқ - 4,3% ҳолларда трипельфосфатурия кузатилган.



1-расм. Болаларда кристаллурия турлари

Шу билан бир қаторда, яққол кристаллуриянинг 281 ҳолатида КОК кўпинча 6 ойликдан 7 ёшгача бўлган болаларда (62% да) юзага келиши аниқланган ва фақат 9% ҳоллардагина КОК 7 ёшдан 11 ёшгача бўлган болаларда намоён бўлган. Ҳолбуки, уратурия кўпинча 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларда (65% да) кузатилган ва гўдак ёшдаги болаларда кузатилмаган. Фосфатурия асосан 6 ойликдан 3 ёшгача бўлган болаларда (62% да) топилган, трипельфосфатурия деярли барча ёш гуруҳларида

аниқланган. Бинобарин, кристаллуриянинг энг кенг тарқалган варианты КОК (69% ҳолларда) бўлиб, у кўпинча 6 ойликдан 7 ёшгача бўлган болаларда ривожланган (62%).

Шундай қилиб, 281 та амбулатория карталарининг ретроспектив таҳлили шуни кўрсатдики, кристаллурия ҳолатларининг аксарияти КОКга тўғри келган, айниқса бу ҳолат 6 ойликдан 7 ёшгача бўлган болаларда кўпроқ кузатилади. Шунинг учун бизнинг тадқиқотимиз асосий гуруҳига 7 ёшгача бўлган иккиламчи оксалатли нефропатия (ИОН) билан касалланган 76 нафар бола киритилган, тадқиқотнинг стандарт комплексига эса, калций-оксалат кристаллурияси кўрсаткичлари, микро ва/ёки макрогематурия, протеинурия ва абактериал лейкоцитурия кўрсаткичлари киритилган. Далиллар асосли бўлиши ва илмий тадқиқотлар натижаларининг статистик ишончли бўлиши учун тадқиқотта ИОН ривожланиш белгиларисиз калций-оксалат кристаллурияси (КОК) бўлган бир хил ёш гуруҳидаги 30 нафар боладан иборат назорат гуруҳи киритилган.




2-расм. Болаларда ёш жиҳатига қараб ҳар хил турдаги кристаллурияларнинг частотаси ва таркиби.

Гендер хусусиятларни ўрганиш шуни кўрсатдики (2-расмга қаранг), асосий гуруҳда ўғил болаларга (43%) нисбатан қизларда (57%) ИОН кўпроқ ривожланган, назорат гуруҳида эса ўғил болалар қизларга қараганда (60% ва 40%) сезиларли даражада кўпроқ касалланган. Таккосланган гуруҳларда оксалатуриянинг биринчи намоён бўлишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, биринчи гуруҳда оксалатлар биринчи марта 3 ёшгача бўлган болаларда (68,4% ҳолларда) тез-тез аниқланган ва 18,4% ҳолларда касалликни илк белгилари (дебюти) 3дан 7 ёшгача бўлган болалар ёшига тўғри келган. Назорат гуруҳида оксалатлар биринчи марта 3 ёшдан 7 ёшгача (63,3% ҳолларда) ва 26,7% ҳолларда - 3 ёшгача бўлган болаларда аниқланган. Асосий гуруҳда текшириш натижалари шуни кўрсатдики, оксалат

кристаллуриясининг давомийлиги тахминан 2,5 йилни ташкил етди ($M \pm m = 28,21 \pm 2,44$ ой), назорат гуруҳида эса 1 йилдан бир оз камроқ ($M \pm m = 11,43 \pm 3,27$). Бинобарин, КОК нинг ИОН га ўтиши учун гипероксалуриянинг узокроқ намоён бўлиши талаб этилади, бу унинг, айниқса кизларда, нефропатия ривожланишининг хавф омилларидан бирига айлантиради.

ИОН ривожланишининг хавф омилларини ўрганиш учун биз генеалогик анамнезни кўриб чиқдик, натижада анамнезда ИОН бўлган болаларнинг ота-оналари ва яқин қариндошларида сийдик чиқариш тизими (33%) ва дизурик синдром (17%) билан касалланish даражаси юқори бўлиб, бу ирсий мойиллик, назорат гуруҳидан фаркли равишда, сезиларли даражада ошқозон-ичак касалликлари ва метаболик синдроми билан корреляция қилган.

Сўнг 3 бобда ушбу тадқиқот натижалари ИОН пайдо бўлишига таъсир килувчи хавф омилларини аниқлашга қаратилган бўлиб, уларга суюқлик қабул қилиш (3-расмга қаранг) ва овқатланиш режимларининг бузилишини, шу жумладан, кўп миқдордаги оксалатларни тутувчи озик-овқат маҳсулотларини ортиқча истеъмол қилишни ўз ичига олган (1-жадвалга қаранг).



3-расм. Иккиламчи оксалатли нефропатия ва кальций оксалатли кристаллурияли болалар гуруҳларида истеъмол қилинадиган кунлик суюқлик миқдори тақчиллигининг қиёсий хусусиятлари

Тақдосланган гуруҳларда кун давомида истеъмол қилинган суюқлик хажмини таҳлил қилиш 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган ИОН бўлган болаларда (асосий гуруҳда 29% ва назорат гуруҳида - 18%) аниқ сув танқислиги сезиларли даражада паст бўлганлиги аниқлади ва бошқа ёш гуруҳларида

суюқлик истеъмол қилишда сезиларли фарк кузатилмаган (чақалокларда - 16% ва 14%, 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларда - 36% ва 32%).

Бизнинг тадқиқотларимизга кўра, ҳам асосий (74% ҳолларда), ҳам назорат гуруҳларида (67%) болаларнинг кўпи сунъий озикланганлиги аниқланган. Иккала гуруҳда ҳам, болаларнинг овқатланишида, ёшдан қатъи назар, умумий қонуниятни кузатиш мумкин бўлган: гўшти озиқ-овқат, суг маҳсулотлари етишимовчилиги, нон ва шакар истеъмолининг кўпайиши. Аммо ИОН билан 3-7 ёшгача бўлган болалар анамнезида мева шарбатлари, кока-кола, шоколад, картошка, какао ва тез тайёрланадиган маҳсулотларнинг ортиқча истеъмол қилинишини аниқланган. Шу сабабли, 1-3 ёшдаги болаларда кунлик суюқлик танқислиги ва 3-7 ёшдаги болаларда денатурация қилинган озиқ-овқатларни ортиқча истеъмол қилишни, ИОН ривожланишидаги энг хавфли қўзғатувчи экзоген омиллар кўрсатилган.

1-жадвал


Иккиламчи оксалатли нефропатия ва кальций оксалатли кристалурия бўлган болалар гуруҳларида овқатланиш тартибининг бузилиши хавф омиллари даражаси солиштирма таснифи, %

Овқатланиш бузилиши омиллари	ИОНда даражаси (n=76)	КОКда даражаси(n=30)	P
Оксалат тутувчи овқатларни ортиқча истеъмол қилиш	65,8 (50)	60,0 (18)	p>0,1
Овқат ингредиентларининг дисбаланси	43,4 (33)	41,6 (8)	p<0,05
Сунъий бўёқ тутувчи маҳсулотларни истеъмоли	46,3 (20)	23,3 (7)	p>0,1
сунъий овқатлантириш	74%	67%	p>0,1

Тадқиқотнинг муҳим йўналиши гипероксалуриянинг нефропатия ривожланишига сабаб бўлган эндоген қўзғатувчи омилларни аёкс эттирувчи болалардаги касалланиш фонини ўрганиш эди. Бизнинг натижаларимиз шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги болаларда кўпинча ошқозон-ичак тракти патологиясининг намоён бўлиши ташхис қўйилган, бу ИОН билан оғриган беморларда ичак микробиота бузилиши фактини олдиндан белгилаб қўйган. Шунинг учун ИОН бўлган болаларда биз кўпинча унинг энгерал шаклини (60% ҳолларда) ва ИОНнинг озиқ-овқат шаклини (26% да) кузатдик. Бошқа ҳолатларда ИОН ривожланишининг аниқ сабаби аниқланмаганда, биз касалликнинг идиопатик варианты сифатида изоҳладик. Ушбу шаклнинг ривожланиш сабаблари дисэмбриогенезнинг турли хил стигмалари ва сийдик чиқариш йўллари туғма аномалиялари бўлиши мумкин. Шунингдек, анамнезни йиғиш ва амбулатория қаргаларини ўрганиш жараёнида антибиотиклар, ностероид яллиғланишга қарши воситалар, кальций препаратлари, аскорбин кислота каби препаратларни ортиқча истеъмол

килиш натижасида келиб чиқадиган ятроген ўзгаришлар гипероксалурияга олиб келувчи омиллар сифатида алоҳида гуруҳга киритилган.

Шундай қилиб, эндоген ва экзоген кўзгатувчи омилларни бўйича анамнестик маълумотларни ўрганиш турли ёш гуруҳларида, айниқса генеалогик мойиллиги бўлган болаларда ИОНнинг клиник шакллари тузилиши ва частотасини аниқлашга имкон берди ва КОК билан касалланган болалар гуруҳига нисбатан нефропатия ривожланишининг индивидуал сабаблари таъсирида сезиларли фарқлай олишга имкон бериб, ИОН билан оғриган беморларда касаллик кечишининг хусусиятларини ўрганишни олдиндан белгилаб берди.



4 расм. Иккиламчи оксалатли нефропатия ва кальций оксалатли кристаллурия гуруҳидаги болаларда эндоген омиллар (морбид фон) даражаси ва структураси

Нефропатиянинг диагностик мезонлари сифатида юзага келадиган ИОНнинг ишончли клиник кўринишини аниқлаш учун болаларнинг асосий ва назорат гуруҳларида корреляцион таҳлил ўтказилди. Ренал белгилари орасида биз ИОН бўлган болаларда Тамма-Хорсфалл оксидининг пайдо бўлиши билан сийдик рНнинг кислотали бўлиши фонида гипероксалурия, микроалбуминурия, эритро- ва лейкоцитурия, гиперстенурия билан кечувчи олигурия ва дизурик синдромнинг муҳим аҳамиятини аниқладик. Шу билан бирга, экстраренал клиник белгилардан диспепсия ва қорин оғриғи синдромининг муҳим аҳамияти аниқланган. Қонда моноцитоз ва эозинофилия, гипокальциемия кўринишидаги кальций-фосфор алмашинуви бузилганлиги кузатишган, аммо буйракларнинг филтрлаш функцияси зарар кўрмаган. Ушбу ўзгаришлар буйрак ултратовуш текширувида буйрак паренхимасида гипероксиген қўшимчаларни ишончли тез-тез аниқлаш билан тасдиқланган. Олинган натижалар КОКдан фарқли равишда ИОНнинг дифференциал диагностик мезонларини олдиндан белгилаб қўйган тубулоинтерстициал буйрак жароҳатланиши ривожланишини акс эттирган. (2-жадвал)

Иккиламчи оксалатли нефропатия ва кальций оксалатли кристалуриябўлган болалар гуруҳларида ишончли фарқлар билан муҳим параметрларнинг корреляцион таҳлили

Клиник белгилар корреляцияси	ИОН гуруҳи r1 (n=76)	КОК гуруҳи r2 (n=30)	r1 ва r2 орасида p-value
Буйрак билан боғлиқ клиник белгилар:			
Олигурия	0,71	0,19	<0,01
Дизурия	0,62	0,27	<0,05
Сийдик ранги ва хидининг ўзгариши	0,91	0,74	>0,1
	0,24	0,16	-
Буйрақдан ташқари клиник белгилар:			
Диарея	0,69	0,24	<0,05
Оғрик синдроми	0,75	0,20	<0,01
Астеновегетатив синдром	0,39	0,45	-
Сийдикнинг лаборатор кўрсаткичлари:			
Оксалатларэрталабки сийдикда (+1 даякқолгача)	0,76	0,69	-
Сутқалик оксалатлар	0,84	0,54	<0,05
Протейнурия	0,45	0,11	<0,05
Микроальбуминурия	0,88	0,22	<0,01
Эритроцитгурия	0,65	0,09	<0,01
Лейкоцитгурия	0,47	0,24	<0,05
Гиалинли цилиндрлар (Тамм-Хорсфалл оксиди)	0,63	0,11	<0,01
Гиперотенурия	0,72	0,34	<0,05
Сийдик PH<5,9	0,78	0,66	-
Қоннинг лаборатор кўрсаткичлари:			
Моноцитоз	0,65	0,32	<0,05
Эозинофилия	0,58	0,24	<0,05
Гипоальбуминемия	0,11	0,13	-
Азотемия	0,16	0,14	-
Гипофилтрация	0,13	0,11	-
Фосфор-кальций алмашинуви ва паратгормон кўрсаткичлари:			
Гипокальциемия	0,72	0,24	<0,01
Гипермагнемия	0,21	0,47	<0,05
Гиперфосфатемия	0,33	0,31	-
Конда паратгормон кўрсаткичларининг ўзгариши	0,27	0,29	-
Буйрақлар УТТда гиперэхоген кiritмалар	0,71	0,22	<0,01

Иккиламчи оксалатли нефропатиянинг клиник вариантлари таркибида унинг энтерал шакли кўпинча етакчилик қилганини ҳисобга олган ҳолда, асосий гуруҳ текширувларига ичак микробиотасини, яъни

Oxalobacterformigenes - ичакдаги оксалатларни ютадиган бактериялар колониясини ўрганиш киритилган. Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, ИОН энтерал тури бўлган болаларнинг 98%да ичак микробиотасида ўзгариш кузатилган, 33,3%ида 1-даража, 2 -даража 53,3%ва 3 даража дисбиоз 11,1% болаларда кузатилган. Гуруҳдаги битта болада ичак микробиотаси бузилиш ҳолати аниқланмаган. Таҳлилларга кўра, барча болаларда нажасда лактобактериялар (10 Mc [QR]) камайган ёки йўқлиги қайд этилган. ИОНнинг энтерал тури бўлган гуруҳдаги болаларнинг 51,1 %да лактобактериялар йўқлиги аниқланди, 28,9% лактобактериялар 10^2 - 10^4 , 17,8 %ида улар микдори 10^5 - 10^7 гача бўлган. Болаларнинг 44,4 %ида бифидобактериялар сони 10^2 - 10^4 , 40 %ида 10^5 - 10^7 , болаларнинг 6,7 %ида аниқланмаган.

Патоген флоранинг кўпайиши *Proteus mirabilis* болаларининг 64,4 % ида, стафилокок 6,8 % ида қайд этилган. Болаларнинг 42,2 %ида шартли патоген флоранинг кўпайиши аниқланган. ПЗР диагностикасига кўра, касалликнинг ичак шаклидаги 20 боладан 5 тасида *Oxalobacter Formigenes* колонияси бўлмаган, қолган 15 болада эса ушбу турдаги бактериялар аниқланган, аммо барқарор бўлмаган.

ИОНнинг алиментар тури бўлган гуруҳда текширилганларнинг 10% ичак микробиотаси бузилган, 5% болалар 1 даражали дисбиозга ва 5% 2-даражали дисбиозга чалинган. Ушбу гуруҳдаги болаларда ичак микробиотаси бузилиши бифидобактериялар сонининг 10% болада ҳамда 10% болаларда лактобактериялар даражасининг пасайиши билан тавсифланган. Болаларнинг 5 фонзида лактобактериялар аниқланмаган. Болаларнинг 5 фонзида шартли патоген флоранинг кўпайиши қайд этилган. Ушбу гуруҳдаги болаларнинг 90% нормал ичак микробиотасига эга бўлган.

ИОНнинг идиопатик тури бўлган болаларда ичак микрофлорасини ўрганиш натижасида, болаларнинг 36,4 %ида ичак микробиоти бузилганлиги аниқланган. Болаларнинг 18,2 % ида иккинчи даражали дисбиоз, 9,1 %ида 1-даражали дисбиоз ва 9,1 %ида 3-даражали дисбиоз аниқланган. Болаларнинг 27,3 %ида лактобактериялар сони камайган, 9,1 % болаларида бу аниқланмаган. 9,1% болалардаги бифидобактериялар сони камайган. Болаларнинг 18,2 %ида шартли равишда патоген флора кўпайган.


Микробиотик бузилишлар тез-тез антибиотиклардан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ эди. Натижалар шуни кўрсатдики, *Oxalobacter formigenes* болаларнинг 25 %ида аниқланмаган (5 та ҳолат). Улар *Oxalobacter formigenes* бўлган болалар билан таққослаганда АБТ ($4,73 \pm 0,88$)дан тез-тез фойдаланганлар ($5,60 \pm 0,55$). Сульфаметаксозолин + триметоприм, амоксициллин, макролидлар ва метронидазол каби антибактериал дориларни қўллаганидан сўнг *Oxalobacter formigenes* бактериялари томонидан ичак колонизациясининг йўқолиши қайд этилган.



5 расм. Ичак микробиотасида оксалобактерия ва бошқа бактериалколонияларни энтeрал иккиламчи оксалатли нефропатия бўлган болаларда аниқлаш даражаси

Oxalobacter formigenesning йўқлиги бифидобактериялар сонининг (80%) кескин пасайиши билан сезиларли даражада боғлиқ бўлиб, лактобактериялар йўқ эди, бу эса Oxalobacter formigenes учун салбий ПЗР натижаси бўлган болаларда 3-даражали дисбиознинг намоён бўлиши билан тасдиқланган.

Олиб борилган текширувларга асосланиб ОКК ва ИОК эрта аниқлашга ёрдам берувчи қўшимча ташхисот мезонлари таклиф қилинган.



6-расм. Иккиламчи оксалатли нефропатия ва кальций оксалатли кристаллурия диагностик алгоритми

Иккиламчи оксалатли нефропатия ва оксалат кальцийли кристаллуриянинг таъхисот мезонлари

Гипероксалурия			
Иккиламчи оксалатли нефропатия		Оксалат кальцийли кристаллурия	
Хавф омиллари	Клиник хусусиятлари	Хавф омиллари	Клиник хусусиятлари
Жинсияти – $\bar{Y} > \bar{K}$ Mt = 28+2 ой Наслий мойиллик: буйрак ва ошқозон ичак касалликлари Истеъмол қилинадиган сувнинг суткалик танқислиги Озик-овқат маҳсулотларининг дисбаланси Қўп микдорда оксалат сакловчи маҳсулотларни истеъмол қилиш (кока-кола, шоколад ва х.к.) Сунъий йул билан озикланиш Сунъий ранг сакловчи маҳсулотларни истеъмол қилиш Морбид фон Ичак микробитасининг бузилиши	Олигурия Дизурия Сийдик рангининг ўзгариши Сийдик тиниклигининг ўзгариши Диспепсия белгилари Оғрик синдроми Астеновегетатив синдром Кристаллурия Гипертенурия Сийдик Ph 5,9 дан паст Эритроцитурия (микрөгематурия) Протеинурия Лимфоциттар лейкоцитурия Суткалик оксалат микдорининг сийдикда ошishi Микроальбуминурия Тамма-Хорсфалла оксиди микдорининг ошishi Гипокальциемия Гиперкальциемия Гиперфосфатемия Қонда паратормон микдорининг ошishi Гиперэхоген бирикмаларнинг УЗД да анникланиши	Жинсияти – $\bar{K} > \bar{Y}$ Mt = 11+3 ой Наслий мойиллик: буйрак ва ошқозон ичак касалликлари Истеъмол қилинадиган сувнинг суткалик танқислиги Озик-овқат маҳсулотларининг дисбаланси Қўп микдорда оксалат сакловчи маҳсулотларни истеъмол қилиш (кока-кола, шоколад ва х.к.) Сунъий йул билан озикланиш	Олигурия Сийдик рангининг ўзгариши Сийдик рангининг ўзгариши Сийдикда чўқмаларни ҳосил булиши Кристаллурия Гипертенурия Сийдик Ph 5,9 дан паст Гипермагниемия

ХУЛОСАЛАР

«Болаларда иккиламчи оксалатли нефропатиянинг клиник-функционал характеристикаси» мавзусидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун баъжарилган диссертация иши натижалари бўйича қуйидаги хулосалар берилди:

1. Болалардаги метаболик нефропатиялар таркибида кальций-оксалат кристалуриясининг (68,7%) уратурия, фосфатурия ва трипелфосфатурия устидан устуллиги аниқланди, бу нефропатиянинг иккиламчи оксалат нефропатияси (ИОН) кўринишидаги энг кўп учрайдиган клиник вариантини олдиндан белгилаб қўйди, учраши 6 ойдан ёшдан 7 ёшгача, айниқса кизларда намоён бўлди.

2. Иккиламчи оксалатли нефропатияривожланиши учун хавф омилларини баҳолаш экзоген табиатли омиллар орасида 3-7 ёшгача бўлган болаларда ($p < 0,05$) ва 6 ойлик болаларда оксалатга бой овкатларни хаддан ташқари истеъмол қилиш ўртасида кунлик суюқлик танқислиги билан ўзаро боғлиқлики ҳамда 3 ёшгача бўлганларда - анамнезида антибиотик терапияси фонида сунъий озиклантириш ва ичак дисбиози орасида ишончли корреляция борлигини аниқлади ($p < 0,05$).

3. Кальций оксалатли кристалурияли назорат гуруҳига нисбатан ИОНли беморларда касалликнинг эндоген омиллари ролини анамнестик таҳлил қилишда антибактериал препаратлар, кальций ва аскорбин кислотани тез-тез ишлаб турилиши фонида нефролитиаз ва дизурик синдром нисбатан узоқ давом этадиган гипероксалурия шароитида ичак микробиота бузилиши белгиларининг сезиларли комбинацияси аниқ етган (2,5 марта).

4. Иккиламчи оксалатли нефропатия кечилишининг клиник хусусиятларини корреляцион таҳлил қилиш, болалардаги КОКлардан фарқли ўлароқ, бундай беморларда ишончли эрта клиник мезонларни, шулардан ренал: вактинчалик олигурия, дизурия, кундалик гипероксалурия ва эритроцитурия ($p < 0,05$) ва экстраренал: диспнея, корин оғриғи синдроми ва гипокальцемиа ($p < 0,05$), шунингдек нефролитиаз ривожланишини аниқ еттирувчи Тамм-Хорсфалл оксидининг пайдо бўлиши билан кислотали сийдик фонида лейкоцитурия, буйрак тубулоинтерстициал канал шикастланиши ривожланишининг белгиси бўлган микроалбуминурия ($p < 0,01$)ни аниқлади.

5. Болаларда ИОН диагностикаси бўйича ишлаб чиқилган мезонларга асосланиб, нефропатиянинг энтерал шакли кўпроқ (60%), озик-овкат ва идиопатик - нисбатан кам (мос равишда 26% ва 14%) кузатиладигани аниқланди, бу эса ИОН ривожланишида ичак микробиотаси муҳим рол ўйнаганлигини кўрсатди. Энтерал дисбиозни келтириб чиқарадиган антибактериал дорилар таъсири остида, бифидо ва лактобактериялар колонияларининг сезиларли даражада камайиши ва *Oxalobacter Formingenes* бактериялари мавжудлигига салбий ПЗР натижаларини бундан тасдиқлади.

6. Нефропатия ривожланишининг кўзгатувчи омиллари ва нефропатия прогнози ёмонлашуви маркерлари ҳамда ИОН кечилишининг клиник хусусиятлари асосида ишлаб чиқилган диагностика алгоритмига асосланиб, кальций оксалат кристалурияси бўлган болалар орасида хавф гуруҳини шакллантириш ва ичак микробиотаси ва патологик ўзгаришларини олдини олиш учун болаларда энтерал ва алиментар шаклларда профилактика чораларини ўтказиш мумкин бўса, идиопатик нефропатия билан оғриган беморларда - нефролитиазга қарши профилактика чораларини кўриш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 04/30.12.2019.Тъб.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ПЕДИАТРИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

АРТИКОВА МАГИНА АКМАЛОВНА

**КЛИНИКО-ФУНКЦИОНАЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ВТОРИЧНОЙ
ОКСАЛАТНОЙ НЕФРОПАТИИ У ДЕТЕЙ**

14.00.09 – Педиатрия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021



Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № 2018.1.PhD/Tib557.

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tashpmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Шаринов Алишер Мирхамидович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Шамансурова Эльмира Амауллаевна доктор медицинских наук, профессор Шамсиев Фазилддин Сайфутдинович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентская медицинская академия

Защита диссертации состоится «23» Июня 2021г. в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте. Адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богиншамол, дом 223. Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz.

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за № 630). Адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богиншамол, дом 223. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Автореферат диссертации разослан «07» Июня 2021 года.
(Реестр протокола рассылки № 108 от «07» Июня 2021 года.)



А. В. Алимов
Председатель Научного совета по присуждению
учёной степени, доктор медицинских наук, профессор

К. Н. Хантов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
учёной степени, доктор медицинских наук

Д. И. Ахмедова
Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению учёной степени, доктор медицинских
наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время происходит рост числа метаболической патологии, в том числе и в педиатрической практике. По оценкам ведущих ученых мира, «... оксалатная нефропатия в детском возрасте в составе нефрологической патологии составляет 27-64% ...»¹. Метаболическая нефропатия в США составляет 65,2 случаев на 100000 детей². В связи с этим, несмотря на большой опыт диагностики и лечения вторичной оксалатной нефропатии, необходимо повышать эффективность методов ранней диагностики, лечения и профилактики заболевания.

Во всем мире особое внимание уделяется вопросам ранней диагностики, усовершенствования лечения и профилактике вторичной оксалатной нефропатии у детей. В связи с этим фокус современных исследований в области обменных нефропатий от генетических изысканий меняется в сторону выявления нарушений питания и водного баланса у детей. Более того, проводится широкий поиск причин изменений в микробиоте кишечника, особенно по направлению изучения состояния активности колоний *Oxalobacter formingenes*, который утилизирует оксалаты в кишечнике. Имеются ряд до конца не изученных вопросов в диагностике обменных нефропатий, такие как своевременное выявление ранних клинических признаков, которые коррелируются с проявлениями оксалатно-кальциевой кристаллурии.

В нашей стране проводятся комплексные реформы по развитию медицинского сектора, приведению медицинских услуг в соответствие с мировыми стандартами, совершенствованию методов раннего выявления, лечения и профилактики нефрологических заболеваний у детей. В нашей стране определены такие приоритеты, как «... внедрение современных методов диагностики и лечения, оказание высококачественных медицинских услуг, в том числе внедрение и развитие телемедицины ...». В связи с этим целесообразно разработать эффективные методы ранней диагностики, лечения и профилактики клинико-функциональных симптомов вторичной оксалатной нефропатии у детей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени соответствует задачам, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан за №-6110 от 12 ноября 2020 года «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ», УП за №-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения республики Узбекистан», Постановлениях Президента за № -5124 от 25 мая 2021 года «О дополнительных мерах по комплексному

¹ Длин, В. В. Диметаболическая нефропатия с оксалатно-кальциевой кристаллурией / В. В. Длин, И. М. Османов // Эффективная фармакотерапия. – 2013. – № 42. – С. 8–16.

² Shah A., Ramakrishnan S. Hyperoxaluria. 2020 Aug 11. In: StatPearls [Internet]. Treasure Island (FL): StatPearls Publishing; 2020 Jan-. PMID: 32644413. [PubMed](#)

развитию сферы здравоохранения», ПП № -4513 от 8 ноября 2019 г. «О повышении качества и дальнейшем расширении охвата медицинской помощью, оказываемой женщинам репродуктивного возраста, беременным и детям», УП №-3846 от 12 июля 2018 г. «О мерах по повышению эффективности оказания нефрологической и гемодиализной помощи населению Республики Узбекистан», а также в иных нормативно-правовых актах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

